



ЎзДК

ДОИРА ВА УРМА ЗАРБЛИ ЧОЛГУЛАР

Махмудова Олима

2-босқич талабаси

Аннотация: ЎзДК Дойра ва урма зарбли чолгулар синфи кўп йиллардан бери фаолият юритиб келади. Бунда талабалар фақат дойра ижрочилигини ўрганиб қолмасдан урма зарбли чолгуларни ҳам ўзлаштиришилари талаб этилади. Чунки талабалар якка, ансамбль, оркестр таркибида ҳам қатнашадилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистон композиторлари симфоник оркестрлар партитурасига ушибу чолгуларни киритишни лозим топганлар ва талабаларимиз бу вазифани муваффақиятли бажариб келмоқдалар. Мақолада ЎзДК дойра ва урма зарбли чолгулар синфи фаолияти, ёш созанда талаба-битириувчиларга қўйилган замонавий талаблар, вазифалар ҳақида баён этилади.

Калит сўзлар: дойра, урма зарбли чолгулар, синф, якка, ансамбль, оркестр, композитор, фаолият, созанда, тарбия, талаб, вазифалар.

Ҳар бир жамиятнинг шаклланиши, ривожланиши, равнақ топиши шу жамиятдаги тарбияга боғлиқ. Мусиқа маданияти дарсларида ўқувчи-ёшларни ижодий фаолиятга, муаммоларни мустақил равишда ҳал қила билишга ўргатиш таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилидир. Таълим жараёнини шундай ташкил этиш керакки, токи ўқувчи-ёшлар билим олиш билан биргаликда, таълим жараёнининг обьекти бўлиб қолмасдан, таълим жараёнида ўқитувчининг teng ҳамкорига айлансин. Шарқ алломалари асарларида бу муаммога алоҳида тўхталиб ўтилган. Миллий маънавиятимиз ривожида ўқувчи-ёшларни ижодий фаолиятга ўргатишда мусиқа муҳим ўрин тутиши тарихдан маълум. Миллий мусиқа санъатининг энг қадимий ва шу билан бирга, ҳалқ оммасига кенг тарқалган, унинг турмушига чукур сингиб кетган соҳалардан бири. Миллий мусиқа санъати ва маданият ўқувчи-ёшларга ижодий фаолият юксак туйғулари, завқ - шавқли ғоялар оламини очиб беради. Уларни маънавий жиҳатдан бой, соф баркамол қиласди. Асрлар давомида Марказий Осиёда уд, танбур, най, чанг, рубоб, қўбиз, ғижжак, сетор, сурнай, буламан, ногора ва дойра каби мусиқа чолгулари кенг қўлланилиб келинган. Бизгача етиб келган маълумотларга кўра, жўрнавозз зарбли соз сифатида оммалашган дойра ҳам ўзининг ривожланиб келаётган, миллий оҳангларга бой зарб ва усувлари билан ҳалқ орасида шухрат қозонган. Эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликка оид Саймалитош археологик қазилмаларидан топилган дойрасимон созларда ижро этилаётган тасвирлар дойра жуда қадим пайтлардаёқ вужудга келган чолғу эканлигидан гувоҳлик беради. Турли тасвирларда акс эттирилган бу чолғу замонавий ўзбек ва тожик дойраларига айнан ўхшаб кетади. Ҳалқ мусиқа ижрочилиги санъатининг кўпгина созлари каби дойра чолғучилигига ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмигача усувларни



ноталаштириш яхши йўлга қўйилмаган эди. Қадимдан дойрачиларга усулларни устоз-созандалар томонидан оғзаки, яъни устоз-шогирд тарзида амалий қўрсатиш йўли билан ўргатиб келинган. Зарб ва усулларни илк бор қоғозга тушириш эса, ўтмишда яшаб ижод қилган Ал-Фарбий (IX-X аср), Сайфуддин Ал-Урмавий (XII-XIII аср) каби буюк алломаларнинг мусиқа рисолаларида баён этилган. XIX ва XX аср бошларида Комил Хоразмий мумтоз мусиқа йўлидаги усуллар мажмуаларини нота чизигисиз қўрсатганлигини Фитрат домла ўз асарларида баён этган. Дойра ва зарб усулларини ноталаштириш услубининг ўзига хос, мукаммалроқ йўлини XIX асрнинг 80-йилларида маълум даражада ҳарбий капельмейстер А.Эйхгорн, XX асрнинг 20-30 йилларида эса таниқли рус мусиқашунос этнографлари В.М.Беляев, В.А.Успенский, Н.Н.Мироновлар бошлаб берганлар. Улар дойра чолғу усулларини, асосан урма чолғулар учун амалиётда қабул қилинган бир чизиқли нота ёзуви услубида қўрсатганлар.

Биздаги бор мусиқий манбалардан кузатишимизча, қадимдан барча воҳалар мусиқа дасталарининг ижрочилик фаолиятида дойра доим иштирок этган. Одатда, бир дойра ишлатиш кенг оммалашган, лекин баъзи ҳолларда икки, уч дойра ҳам ишлатилганлиги маълум. Бироқ, ҳамма маълумотларда бирдек дойра якканавозлиги ҳақида сўз юритилмаган. Бу ҳол XX асрнинг дастлабки даврига ҳам тааллуқлидир. Лекин дойра чолғусининг бутун ижровий ҳусусиятлари якканавозлиқда, рақсга жўр бўлиш жараёнида намоён бўлади. Дойра якканавозлигининг таркиб топишида рақс санъатининг таъсири катта. Чунки бу жараён рақсларда бўлган ҳаракат, жозиба, лутф, имо-ишора каби ҳалқимизга хос гўзал анъаналарни дойра усулларида тўла ифодалаш билан боғлиқдир. Шу билан бирга, бу ҳолат дойра ижроси учун ҳилма-хил, ранг-баранг усуллар мажмуасини тузиш ва уларни моҳирона чалиш билан чегараланмай, балки анъанавий рақс санъати сирларини ҳам тушунишни, ҳис қилишни талаб этади. Оҳанг ва вазн жиҳатларидан таркиб топган ҳилма-хил мураккаб рақслар мажмуасида шаклланган асарларда бир усулдан иккинчи усулга ўтишнинг табиий ва мантиқан асосланган йўлини топиш дойра ижросининг маҳоратига боғлиқ. Бундан ташқари, янги-янги рақсларни (дойра жўрлигига) яратиш, уларни ўзлаштириш, сахналаштириш каби бир қатор тадбирларда дойрачи ҳам ғоят муҳим роль ўйнайди. Зеро, рақснинг эркин ва мазмун бағишлишнинг асосий мезонларидан бири усуллар мажмуасидир. Буни биз атоқли созанда Уста Олим Комиловнинг дойра рақсларини илк бор намоён этиб, катта олқишлигарга сазовор бўлганида қўрдик.

Уларнинг давомчилари иқтидорли яккасоз ижрочилар К.Дадаев, Т.Сайфиддинов, О.Комолхўжаев, Ака-ука Дилмурод, Холмурод, Элмурод Исломовлар, Х.Носиров, Р.Самадов, Х.Азимов, М.Мирдадаев, Х.Расулов ва бошқалар. Бу каби санъат намоёндалари эл-юрт эътиборини қозонгандар. Ҳозирги кунда замон талабига мос мусиқий жанрлар ижрочилигининг янги услуби, янгича бастакорлик ижод турлари шаклланмоқда. Кейинги йилларда ўзбек композиторлари ўз асарларида дойра усулларига катта эътибор билан ёндашиб, унга алоҳида ўрин ажратмоқдалар. Масалан, опера ва балет жанрида яратилган асарларда ҳам дойра яккасоз ва жўр бўлувчи соз



сифатида ишлатилмоқда. Симфоник оркестр ижросидаги ҳар бир асарга дойра ўзига хос миллий рух бахш этади. Томошибинлар диққатига сазовор бўлган композитор Г.Мушелнинг “Раққоса” ва “Бахт гули” балетларининг аксарият жойларида миллий рақслар шаклида берилган, маълум парчалар Ўзбекистон ҳалқ артисти, машхур дойрачи Уста Олим Комиловнинг бевосита иштирокида яратилган ва саҳналаштирилган. Рақс устаси устоз дойрачининг ижодий ҳамкорлиги натижасида яратилган “Раққоса” балети ўзига хос миллий хусусиятлари билан ажralиб туради. Асарда дойра яkkasoz чолғу сифатида ишлатилиб, унинг сержило усуллар мажмуасига мос рақс санъати характерларини машхур раққоса Г.Измайлова намойиш этди. Дойранинг яkkasoz оханги унинг рақсига миллий тус бериб, ҳар бир ҳаракатни қайтарилиб, гўзал бадиий ҳолатга келтиради. Бундан ташқари, ўзбек композиторларнинг мусиқий драмаларини саҳналаштирган Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма ва комедия театри ҳам бу борада сезиларли ишлар қилди.

Ўзбекистоннинг кўпгина композиторлари оркестр учун асар ёза бошлади. Ушбу асарларда дойра партияси оркестрда метро-ритмик хусусиятларни равон таъминланишига хизмат қилди. Б.Гиенко, Ф.Олимов, А.Мансуров асарларида бу хусусият яққол кўзга ташланади. Сўнгги йилларда бу ҳол “Ўзбек ҳалқ чолғулари оркестри” учун яратилган барча асарларда ўз аксини топган. Бу жамоалар ва ўкув даргоҳларига дойра бўйича мутахассислар тайёрлаш вазифаси қўйилди. Буни дастлаб Тошкент давлат консерваторияси “Ҳалқ чолғулари” кафедраси ўз зиммасига олган бўлса, ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Ҳалқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси дойра ва урмар зарбли чолғулар синфида ташкил этилиб, ушбу вазифа ижроси амалга оширилмоқда. Ушбу даргоҳда ҳар бир истеъододли талаба дойра ижрочилиги бўйича назарий ва амалий билимга эга бўлиши талаб этилади. Бунда чолғу тарихи, бугунги кундаги ўрни, таниқли ижрочи-созандалар ижодий фаолияти, яратилган ўкув адабиётлари каби назарий билимларни мукаммал эгаллаб ўзлаштириш, уни амалий фаолиятда ижодий ёндашган ҳолда бажариш сабоғини оладилар. Синф талabalari ўкув жараёнида олган назарий ва амалий билимларини концерт чиқишлиар билан намойиш этиб, саҳна маданияти, ижро маҳоратини ошириб борадилар. Бундай чиқишлиар Ўзбекистон давлат консерваториясининг турли тадбирларида ва ундан ташқарида ўтказиладиган концертларда қатнашиб тингловчиларга қувноқ кайфият улашадилар. Телевидение дастурларида “Ёшлар”, “ZOR” ва бошқа каналларда қатнашиш анъанага айланган. Бу бир томондан талabalар маҳоратини оширишга хизмат қилса, иккинчи томондан амалий тажриба, синов, масъулият, фидойиликни ўстиради. Давлатимиз томонидан таълим тизимини доимий ислоҳ қилиб борилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонига асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПЎ-2909-сонли, 2018 йил 5 июндаги



“Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга тоширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПЎ-3775-сонли қарорларида яққол кўзга ташланади. Шунга кўра ёш санъаткор – ўқиши, билим ва малакани оширишдан ташқари, устозлар тажрибасини, улардан қолган бой ижодий мерос ва маънавий-маданий қадриятларни ўрганишдек ўзига хос мashaқатли йўлни босиб ўтиши зарур. Пухта назарий билимларга ва амалий иш кўникмасига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланган. “Ансамбль синфи”да чолғу ижрочилиги санъати ва ҳалқ ижодиёти бўйича кенг тасаввур, ансамбль, оркестр таркибида ижрочилик кўникмаси, дирижёр – раҳбар талабига тўлиқ жавоб берувчи, жамоада ишларни фаол олиб борувчи мутахассис тайёрланиши талаб этилади. Шунга биноан дарс жараёнида талабалар билан соғлом ижодий муҳит, яъни дўстона муносабат, ўзаро ҳурмат ва ишонч каби тамойилларга риоя қилишга, ўрганилаётган масалалар бўйича мақсадни аниқ белгилаш, равон тилда изоҳлаб бериш, гурухнинг барча талабаларига бирдек эътибор қаратишга амал қиласиз. Амалий машқлар пайтида талабалардан савол-жавоб шаклида асосий тушунчалар ҳақида маълумот тўплаш ва хулоса чиўаришга чорлаш, ҳар бир талабанинг қобилиятига мос шахсий режа тузишга риоя қиласиз, масъулият билан қараймиз. Бугунги кунда, ансамбль, оркестр, якканавоз чолғучилик ижрочилиги кенг ривож топганлигини эътиборга олиб, репертуар ўзлаштириш жараёнида талабаларга мустақил ташабускорликка йўл очиб бериш яхши самара беради. Ўзбекистон давлат консерваторияси ўзбек ҳалқ чолғулари йўналишининг миллий урма зарбли чолғулар ихтисослиги бўйича таҳсил олаётган талабалар миллий чолғулар ижро сирларини ўрганибина қолмасдан, шу билан бир қаторда, Европа урма зарбли асбобларда ҳам ижро этишни ўзлаштиromoқдалар. Ҳозирги пайтда уюштирилаётган барча мусикий мусобақаларнинг дастурларида турли йўналишдаги ҳар хил мураккаб асарларни ижро этиш шартли талаблардан бирига айланган. Шунингдек, Республикамизда амалга оширилаётган ижодий лойиҳалар, ўтказилаётган фестивал, танловлар мазкур тажриба қўллаб-қувватланаётганлигини исботлайди. Биз келтирган намуналар дойра ижрочилик анъанларининг ҳаётйлиги, замонавий руҳда ривожланиб янги жанр ва шаклларни вужудга келтириши мумкинлигини, ўзбек анъанавий мусиқа санъатида дойранинг тутган салмоқли ўрнини кўрсатади. Масалан, турли чолғулар, урма зарбли чолғуларнинг кўповозли ансамбллари, бугун мамлакатимиз чолғу ижрочилик санъатида ўз ўрнига эга бўлиб улгурган чолғулар – **ксилофон, маримба, вибрафон, литавра, кичик барабан, тарелка** каби чолғулар ҳамда ўзбек ҳалқ зарбли чолғулари дойра, **ноғора, қайроқ, сафоил** каби созлар учун маҳсус мослаштирилган ва чолғулаштирилган асарлар билан иштирок этиш, ансамбль гурухининг ижросига дирижёрлик қилиш имкониятларини яратиш – ёшларнинг ижодий интилишларини кучайтириш, изланишларига туртки бериш, ижодий кўникмаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Дурдана асарлар намуналарини «Урма зарбли чолғулар ансамбли» учун мослаштириш ишлари ижодий изланишларни талаб этади. Шу боис



дарсларда ўрганилаётган асарнинг бадий жиҳатлари ҳақида тўлақонли тасаввурига эга бўлиш учун талабалар билан унинг ижросида тинглаш тавсия этилади. Ансамбль синфи дарсларидан кўзланган мақсад – талабаларнинг ўзи ўзлаштираётган чолғуси орқали жаҳон мусиқаси билан яқинроқ танишиш ва эшитиш қобилиятларини янада ўстиришdir. Композитор ва унинг ижоди ҳақида маълумот, асарнинг бош тоналлиги ва суръат қўрсатгичи, мусиқий шакл тавсифи, партитуранинг тузилиш асослари, куйларнинг ифодавий хусусиятлари ва ижро пайтида аҳамиятли томонлари дарс жараёнида ўзлаштирилиб борилади. Дарс иштирокчиларининг вақтини тежаб, вужудга келган саволларга жавоб тезкорлик билан хотирага солиниши ва ўзлаштирилиши дарсларда интерактив шаклларни қўллашни тақозо этади. «Ақлий ҳужум», «ФСМУ» каби илгор педагогик технологиялардан фойдаланиш натижасида мусиқий асарларни ўрганиш, излаш, назарий тушунчалар ҳақида билимларни мустаҳкамлаш, тарихий тасаввурларни кенгайтириш мақсадига эришилади. Энг муҳими шундаки, талабаларнинг гуруҳли онги уйғонади, уларда бир-бирига суюниш, елкадош бўлиш фазилатлари, сезирлик руҳи шаклланади, дарсга нисбатан ижодий ташаббускорлик, масъулият ва қизиқиш чуқурлашади. Бу эса талабанинг ижрочилик амалиётида, ансамбль ва оркестр таркибида мустақил фаолият олиб бориш учун замин яратади. Айниқса Олий таълим муассаса ўқув жараёнида бундай ансамблларни тузиш, уларни ижро дастури билан таъминлаш мутахассислар олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бундай машғулотлар талабаларга келажакда ўрта маҳсус ўқув юртларида урма зарбли чолғулар ансамблини ташкил этиш, уни шакллантириш, ушбу ансамблларнинг мунтазам равишда фаолият олиб боришини таъминлай билиш каби кўникмаларни шакллантиришга хизмат қиласи.

Дойрада тараалган садолар тингловчиларни ўзига ром этиб, уларда бадий ва эстетик қизиқиш уйғотиши билан аҳамият касб этади. Ёшлар орасида дойра ижрочилигига қизиқувчилар сони кўпайиши фаолиятимизнинг тўғрилигидан далолатdir. Бугунги даврда таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, ўқувчи-ёшларни замонавий илм-фан, маданият, техника ютуқлари билан мунтазам таништириб бориш, таълим-тарбия фаолиятида унмли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Талаб бўйича билимга эга бўлган, ЎзДК битирган талабалар келажакда моҳир созанда бўлиб вояга етадилар. Ўзбекистоннинг турли санъат ва маданият масканларида муваффақиятли фаолият юритишга эришадилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони:// “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 8 февралдаги сони.



2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.:”Ўзбекистон”.2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистн”, НМИУ, 2017.-488 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори **“Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”** (ЎзР Конун хужжатлари тўплами 2017й, 18-сон, 313-модда, 19-сон, 335-модда, 24-сон, 490-модда, 37-сон 982-модда).
5. Ақбаров И. “Дойра зарблари”. Т. 1952 йил
6. Одилов А. “Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи” Т. 1995
7. Икромов И. “Дойра дарслиги”. Т. 1997.
8. Исломов Д. “Дойра санъати дарғалари”. Т.2019
10. Исломов Д. “Дойра ижрочилиги” Т. 2020. Тафаккур гулшани. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Тошкент. 1989.